

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

„ 14 „ июнь 20 19 ү

№ 500

Ioshkent sh.

**Бухоро вилоятида замонавий агрокластер
ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Қиплок хўжалигида таркибий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш, нахта хомашёси этиштиришниг самарали усулларини жорий қилиш, уруглик материал ишлаб чиқариш, уни қайта ишлаш ва тайёрлаш, бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, шу жумладан чукур қайта ишлаш асосида уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Бухоро вилояти ҳокимлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, “Ўзпахтасаноат” АЖ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иктисадиёт ва саноат вазирлигининг:

“Бухоропахтасаноат” ҳудудий бирлашмаси АЖ ва унииг таркибига 1-иловага* мувофиқ рўйхат бўйича кирадиган ташкилотларни “Ўзпахтасаноат” АЖ гаркибидан чиқариш;

“Бухоропахтасаноат” ҳудудий бирлашмаси АЖ устав капиталидаги 2-иловага мувофиқ рўйхат бўйича акциялар пакетини, истиносо тариқасида, Бухоро вилояти ҳокимлигига бериш;

“Бухоропахтасаноат” ҳудудий бирлашмаси АЖни қайта ташкил этиши ва унииг базасида таркибига ушбу қарорга 1-иловада келтирилган ташкилотларни киритиш орқали масъулноти чекланган жамият шаклидаги “Бухоро Агрокластер” замонавий агрокластерини (кейинги ўринларда Агрокластер деб аталади) ташкил этиш;

давлат (Бухоро вилояти ҳокимлигининг) улушкини кўпайтириш ҳисобига ва кейинчалик “Ўзпахтасаноат” АЖ устав капиталидаги давлат улушкини тегишли равишда камайтириши орқали “Бухоро мінтақавий нахта терминални ИЧТК” МЧЖ устав капиталида “Ўзпахтасаноат” АЖга тегишли улушки Агрокластер устав капиталинига баланс қийматида бериш;

2019-2023 йилларда “Бухоро Агрокластер” МЧЖ ва унииг таркибига кирадиган ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг 3-иловага мувофиқ прогноз параметрлари тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Куйидагилар Агрокластернинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

нахта хомашёси ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришниг илгор илмий ютуклари, замонавий ва самарали усулларини жорий қилиш;

нахта хомашёсига бирламчи ишлов беришнинг самарали ва юкори рентабелли усулларини, шунингдек, чукур қайта ишлаш технологияларини жорий қилиш;

нахта чигити ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини давлат ва ҳалқаро стандартлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва сотиш;

нахта хомашёси ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш жараёнинга илғор агротехник ҳамда сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш;

тўғридан-тўғри, шу жумладан хорижий инвестицияларни, шунингдек, ҳалқаро молия институтларининг кредитларини жалб қилиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш ва рақобатбардош, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

етиштириладиган пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифати ҳамда миқдорини ҳисобга олиш ва назорат қилиш жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

илмий ва таълим муассасалари билан биргаликда селекция ҳамда уругчилик соҳасида тадқиқотлар ўтказиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навлари ва дурагайларини, шунингдек, пахта хомашёсини бирламчи қайта ишлаш технологияларини яратиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

“Ўзпахтасаноат” АЖнинг Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамгармаси олдидаги Бухоро вилоятидаги фермер хўжаликлари билан пахта хомашёси учун ўзаро ҳисоб-китобларни молиялаштириш билан боғлик хуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган тартибда Агрокластерга ўтади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамгармаси 2018 йилги пахта хомашёси ҳосили учун яқуний ҳисоб-китоб қилишга ажратилган маблаглар бўйича қарздорлик қоплангунга қадар, Агрокластернинг барча ҳисобрақамларидағи маблағларни, шу жумладан 2017-2018 йиллардаги ҳосилнинг пахта толасини сотишдан юзага келадиган ижобий фарқ суммаларини ҳисобдан сўзсиз чиқариш хуқуқига эга;

Агрокластерга Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 25 январдаги 53-сон, “Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 28 февралдаги 149-сон ва “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 18 марта 230-сон қарорларининг амал қилиши татбиқ этилади;

етиштириладиган пахта хомашёси бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар фермер хўжаликлари билан Агрокластер таркибига кирадиган пахта тозалаш корхоналари орқали амалга оширилади;

истеъмолчиларга пахта толаси, нахта линти ва техник чигит Агрокластер томонидан пахта тозалаш корхоналари билан ушбу маҳсулотларни биржа савдолари орқали сотишнинг белгиланган тартибига риоя қилган ҳолда тузиладиган воситачилик шартномалари, шунингдек, тўғридан-тўғри шартномалар ва маҳсулотни қайтариш асосида толлинг шартномалари бўйича сотилади. Бунда сотилган нарх ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасдиқлаган прейскурант бўйича нарх ўртасидаги фарқ Агрокластер ихтиёрида қолади ва солик солинадиган объект

ҳисобланмайди (салбий фарқлар юзага келган тақдирда, харажатлар Агрокластернинг ўз маблағлари ҳисобидан қонланади);

Агрокластер ўз таркибига кирадиган ташкилотларнинг сўмдаги маблағларини жамлаши ва ушбу маблағларни молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, шу жумладан уларни зарур товарлар (ишлар, хизматлар) билан марказлаштирилган ҳолда таъминлаш учун улар ўртасида тақсимлаши мумкин. Бунда ушбу маблағларнинг Агрокластер таркибига кирадиган ташкилотлар ўртасидаги айланмаси солик солиш обьекти ҳисобланмайди;

2019 йилги пахта хомашёси ҳосили учун якуний ҳисоб-китоблар Агрокластернинг ўз маблағлари ва унинг таркибига кирадиган ташкилотлар маблағлари, шунингдек, тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан амалга оширилади;

Агрокластерга ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган ташкилотлар тўлайдиган дивиденdlар мазкур қарорга 3-иловада қайд этилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларидан бири ҳисобланади;

Агрокластер таркибига кирадиган пахта тозалаш корхоналари базасида 2019-2021 йилларда инвесторлар, шу жумладан хорижий инвесторлар жалб этилган ҳолда пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилади. Бунда пахта тозалаш корхоналари ва пахта тайёрлаш пунктларининг бино ҳамда иншоотлари Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини яиада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 19 сентябрдаги 744-сон қарорига 2-иловага мувофиқ пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ташкилотчиларига инвестициялар киритиш ва 5 йил муддатда бўлиб тўлаш (тeng миқдордаги йиллик тўловлар) шартни билан баҳолаш кийматида сотилади.

4. Бухоро вилояти ҳокими зиммасига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан кўллаб-кувватлаш жамгармаси билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши, шунингдек, 2019 йилги пахта хомашёси ҳосилини молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоблар амалга оширилиши учун шахсий мастьулият юклансин.

5. Бухоро вилояти ҳокимлиги:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер згалари кенгаши билан биргалиқда Агрокластер ҳамда 43,7 минг гектар сугориладиган майдонларда (шунинг 10,4 минг гектари Вобкент туманида, 3,6 минг гектари Когон туманида, 5,2 минг гектари Коровулбозор туманида, 8,5 минг гектари Пешқу туманида, 6,0 минг гектари Шофиркон туманида, 9,8 минг гектари Фиждувон туманида ва 0,2 минг гектари Бухоро шаҳрида) пахта хомашёси етиштирадиган фермер хўжаликлари ўртасида пахта хомашёси контрактация шартномалари тузилишига амалий ёрдам кўрсатсин;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси билан биргалиқда Агрокластер ва унинг таркибига кирадиган ташкилотларга пахта хомашёси етиштиришга мўлжалланган ер участкаларидан ташқари, ушбу қарорга 3-иловага киритилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкалари бир ой муддатда белгиланган тартибда ажратилишини;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда тупроқ шўрналишини бартараф этиш мақсадида ирригация ҳамда мелиорация тизимлари мунтазам тозаланишини, капитал-режалаштириш ишлари амалга оширилишини ташкил этишни ҳамда Агрокластернинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларини сув билан узлуксиз таъминласин;

“Ўзпахтасаноат” АЖ билан биргаликда пахта маҳсулоти етказиб бериш бўйича воситачилик шартномаларини ўн кун муддатда Агрокластерга қайта расмийлаштиришга кўмаклашсин.

6. Агрокластерга йигирув ва тўқимачилик ишлаб чиқаришларини ташкил этиш ва ишга тушириш даврида 30,0 минг тоннагача миқдордаги пахта толасии, истисно тарикасида, тўғридан-тўғри ёки фьючерс шартномалари бўйича экспортга сотишга руҳсат берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси хузуридаги “Геоинновация маркази” давлат унитар корхонаси Агрокластер буюртманомаларига биноан Агрокластер таркибига кирувчи ташкилотларга пахта хомашёси ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёини учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланган ҳолда самарали бошқариш, назорат килиш ва мониторинг олиб борища белгиланган тартибда амалий кўмак берсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги материал балансларни шакллантиришда моддий ресурслар, шунингдек, Агрокластер ва унинг таркибига кирадиган ташкилотлар томонидан ишлаб чиқариладиган пахта толаси ҳамда линти миқдорларини ҳар йили алоҳида сатрда хисобга олсин.

9. Агрокластер ва унинг таркибига кирадиган ташкилотлар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган ускуналар, маҳсус транспорт воситалари ва техника, бутловчи буюмлар, хомашё ва материаллар, қурилиш материаллари, иссиқхона комплекслари, ҳайвонлар, ургуликлар ва ўсимликлар, ветеринария препаратлари, шунингдек, минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материалларини олиб киришда 2022 йил 1 июлгача бўлган муддатга божхона тўловларидан (божхона йигимларидан ташқари) озод этилсин.

10. Тижорат банклари Агрокластер ва унинг таркибига кирадиган ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг маблағлари хисобидан белгиланган тартибда имтиёзли кредит линияларини очиш тавсия этилсин.

Белгилаб кўйилсинки, Агрокластер ва унинг таркибига кирадиган ташкилотлар қарз олувчилар ва инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши, жалб этиладиган кредитлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, шунингдек, уларнинг ўз вақтида қайтарилиши учун масъул ижро этувчи органлар хисобланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Агрокластер томонидан амалга ошириладиган лойиҳаларда иштирок этиш учун юқори малакали хорижий мутахассисларга (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасида мавжуд бўлмаган) Агрокластер буюртманомаларига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқукини берадиган тасдиқномалар белгиланган тартибда берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Агрокластер буюртманомаларига биноан:

лойиҳани амалга оширишда иштирок этадиган хорижий мутахассисларга кириш визалари консуллик ва бошқа йигимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин;

етакчи турдош ўкув, илмий-тадқиқот марказлари ва ташкилотларида Агрокластернинг ўқиш, стажировка ўташ ва малака ошириш учун юбориладиган мутахассисларига визалар олиш ва расмийлаштириш масалаларида ёрдам кўрсатсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Агрокластер томонидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида жалб қилинадиган хорижий мутахассисларга Агрокластер буюртманомаларига биноан кўп марталик визалар давлат божи ундирилмасдан белгиланган тартибда берилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойи бўйича вақтинча вақтинча прописка қилиниши ҳамда муддати узайтирилишини таъминласин.

14. Бухоро вилояти ҳокимлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов ва Бухоро вилояти ҳокими У.И.Барноев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арнпов

* Иловалар рус тилидаги матнда берилган.